



20 20 у « 13 » май

№ Қ-211

« ___ » 20 ___ г

**Қизириқ тумани “Зарбдор” маҳалласи
худудидан “Агросервис ММТП” МЧЖга
“Иссиқхона” қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/189-сон йиғилиш баёни ва Қизириқ туман ҳокимининг 2020 йил 06 апрелдаги 01-05/161-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/189-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қизириқ тумани “Зарбдор” маҳалласи худудидан “Агросервис ММТП” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 902-дала контуридан тупроқ унумдорлиги 39.5 балл бонитетли жами 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Агросервис ММТП” МЧЖ раҳбарига:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қизириқ тумани ҳокимлиги (О.Мухаммадиев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов